O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 16 FEVRAL ◆ SHANBA ◆ №21 (26.880)

14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ – БОШ ЙЎЛИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2001 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ, ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА 2002 ЙИЛГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Ҳар бир йилнинг бошида мана шундай анжуманга йиғилиб, ўтган йилнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунларини, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил қилиш, олдимизга қўйган мақсадларга қай даражада эришганимизни танқидий баҳолаб, жорий йилда бутун эътибор ва кучимизни қаратишимиз зарур бўлган энг муҳим вазифа ва йўналишларни ўзимиз учун аниқ-равшан белгилаб олиш анъанага айланиб қолди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг бугунги йиғилишидан кўзда тутилган асосий мақсад 2001 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида қўлга киритилган натижаларни таҳлил этиш ҳамда 2002 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича ҳал қилувчи йўналишларни аниқлаб олишдан иборат.

Сизларга маълумки, 2001 йил якунлари ҳар бир ҳудуд, шаҳар ва туман, вазирликлар ва бирлашмалар миқёсларида таҳлил қилиниб, атрофлича кўриб чиқилди ва уларга танқидий нуқтаи назардан баҳо берилди.

Бизнинг бугунги вазифамиз эса, иқтисодиётимизда, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида, авваламбор, рўй бераётган ислоҳотлар натижаларини, янгича жараёнлар ва сифат ўзгаришларини чуқур таҳлил этиб, керакли хулосалар чиқаришдир.

Ўтган йилда эришилган натижаларга умумий баҳо берар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, 2001 йил иқтисодиётимизда, бутун жамиятимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган изчил тадбирларимизни жорий этишда муҳим босқич ва уларнинг мантиқий давоми бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Хўш, 2001 йилнинг ўзига хос хусусиятларини нималарда, қандай кўрсаткичлар мисолида кўришимиз мумкин?

Биринчидан, кейинги йилларда бўлгани каби, 2001 йилда ҳам мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туришга эришилди ва иқтисодиётимизнинг ўсиб бориш жараёнлари давом этди.

Натижада ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми — 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариш — 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш эса — 4,5 фоизга кўпайди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларига мос равишда пасайди.

Айниқса, шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ўтган йил Ўзбекистон учун макроиқтисодий вазият нуқтаи назаридан маълум маънода бурилиш йили бўлди.

Ўйлайманки, ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий аҳволини белгилайдиган асосий кўрсаткич эканини барчангиз яхши биласиз. Биз, 2001 йил якунларига кўра, ана шу кўрсаткич, яъни ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича нафақат ислоҳотлар бошланган 1991 йил даражасига чиқиб олдик, балки 103 фоиз ўсишга ҳам эришдик.

Бунинг натижасида 2001 йилда жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 103,1 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоизга ортди.

Агар биз 90-йиллар бошида кечирган ўта мураккаб қийинчиликларимизни кўз олдимизга келтирсак, бизга эски тузумдан бирёқлама ривожланган, асосан хомашё беришга мослаштирилган ночор иқтисодиёт мерос бўлиб қолганини, иқтисодиётимизни янгича қуришга қаратилган ҳаракатларимизни, кейинги икки йилда рўй берган қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини, 90-йилларнинг охирида бутун жаҳон иқтисодиётини танг ҳолга солиб қўйган иқтисодий ва молиявий таназзулни холисона инобатга олсак, бу эришган натижаларимизнинг аҳамияти ва қиммати янада ортади.

Энг муҳими, давлатимиз миқёсида ҳам, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича ҳам иқтисодиётнинг молиявий мутаносиблиги мустаҳкамланди.

Давлат бюджетининг даромад қисми бўйича деярли барча кўрсаткичларнинг ошириб бажарилгани туфайли бюджет тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имкони туғилди. Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга, реал иқтисодиёт тармоқлари ривожини зарур сармоялар билан таъминлашга эришилди. Молиявий йилнинг бюджет камомадини ялпи ички маҳсулот миқдорига нисбатан белгиланган 1,5 фоиз ўрнига бир фоиз даражасида якунлашга муваффақ бўлдик.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, йилдан-йилга, аввало, ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналаримиз бўйнига тушаётган солиқ оғирлиги тобора камайиб бормоқда.

Ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат бюджетига тортиладиган солиқ улуши 26 фоизгача қисқарди.

Шу вақт мобайнида пул тизими янада мустаҳкамланди. Нақд пул эмиссияси даражаси йил якунларига кўра, прогноз кўрсаткичларида кўзда тутилган 9 фоиз ўрнига 6,5 фоизни ташкил этди. Пулнинг айланиш суръатлари тезлашди. Натижада пул массасининг ўсиши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2000 йилда 17,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткичнинг 16,4 фоизгача қисқаришига эришилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда тўлов интизоми сезиларли даражада мустаҳкамланди. Мониторинг олиб борилаётган етакчи муассаса ва корхоналарда муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларига деярли барҳам берилганини ҳам муҳим натижа сифатида баҳолаш мумкин.

Бизнинг асосий экспорт маҳсулотларимизга жаҳон бозорида нокулай нарх конъюнктураси вужудга келганига қарамай, йил якунларига кўра, ташқи савдо айланмасининг 3,1 фоизга ўсиши таъминланди. Ташқи савдо операцияларида 128 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта заҳираларимиз аввалги даражада сақлаб қолинди.

Иккинчидан, бизнинг бозор ислоҳотлари йўлидан олға боришимизни кўрсатадиган иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар жараёни сезиларли даражада чуқурлашди.

Бу ерда гап фақат бозор иқтисодиётига хос бўлган янги институт — ташкилотларни шакллантириш хусусида эмас, балки, авваламбор, бозор муносабати механизмларини ўзининг иқтисодиётга таъсирини кучайтириш ҳақида бормоқда.

Яъни, хўжалик юритишдаги эски, ўз умрини яшаб бўлган, зўравонлик, маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўрнини бозор механизмлари ва иқтисодий омилларга, рағбатлантириш усулларига асосланган янги тамойиллар эгалламоқда.

Бу институционал ўзгаришлар замирида, биринчи галда кейинги йилларда молия ва банк тизимини, аудит ва суғурта соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, бозор инфратузилмасининг кенг тармоғини шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуи мужассам топган, десак, асло хато бўлмайди.

Шубҳасиз, бунда мамлакатимизда йил сайин шакланиб ва мустаҳкамланиб бораётган ҳуқуқий база, шу жумладан, кейинги йилларда қабул қилинган Давлат бюджети ва бюджет тизими, Марказий банк ва банклар тизими, аудит, суғурта фаолияти, лизинг тўғрисидаги турли қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Учинчидан, 2001 йилда ҳам иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва инвестицияларни, жумладан, чет эл сармояларини кенг жалб этиш сиёсати ҳаётга фаол жорий қилинди.

Шу билан бир вақтда, республика иқтисодиётининг таркибий асосини ташкил этувчи етакчи соҳаларини монополиядан чиқариш, уларни бошқариш тизимига замонавий, зарур ўзгартиришлар киритган ҳолда такомиллаштириш бўйича қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таркибий ўзгаришлар ҳақида гапирганда, аввало, ишлаб чиқаришнинг юраги бўлган энергетика қувватларини, нефть-газ мажмуи корхоналарини, кўмир, металлургия, кимё, пахтани қайта ишлаш саноати, енгил саноат, ипакчилик, чарм-пойабзал, мебель ва бошқа етакчи саноат тармоқларини, лўнда қилиб айтганда, иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари босқичма-босқич амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда автомобилсозлик, дори-дармон ва микробиология саноати каби **янги тармоқ ва ишлаб чиқариш турлари жадал ривожланиб бормоқда.** Хусусан, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида янги моделдаги «Матиз» автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, республикамизда тиббиёт соҳасида ишлатиладиган шиша идишлар тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Ахборот технологиялари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Темир йўллар, автомобиль йўллари, транспорт коммуникацияларини модернизация қилиш, ингиларини қуриш ишлари жадал давом этмоқда, мавжуд вагонлар парки янгиланмоқда.

Одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қиладиган Учқудуқ-Мискин йўналишида темир йўлининг қурилиб, ўтган йили бу ерда ишчи қатновларининг йўлга қўйилгани, Термиз, Учқудуқ, Тўрткўл, Элликқалъа шаҳарларида янги вокзалларнинг бинолари фойдаланишга топширилганини алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хусусан, биз учун анъанавий бўлмаган янги маҳсулот турларини экспорт қилиш ҳажмини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Биргина 2001 йилнинг ўзида биз бир қанча улкан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга муваффақ бўлдик. Полиэтилен ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган, умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Шўртан газкимё мажмуини барпо этиш, Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбатини ишга тушириш шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўтган йили Тошкентда йўловчи ташувчи вагонларни таъмирлайдиган завод иш бошлади, Фарғонадаги хлорат натрий ва хлорат магний дефолианти ишлаб чиқарадиган «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари тугалланди.

Хорижий шериклар билан қўшма корхоналар барпо этиш дастури доирасида 2001 йил мобайнида мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди.

Экспорт қилинаётган маҳсулотлар қаторига тиббий шиша идишлар, қишлоқ хўжалик техникасининг янги турлари, кабель-ўтказгич каби янги маҳсулотлар қўшилди. Четга сотилаётган тўқимачилик ва полиграфия маҳсулотларининг турлари янада кўпайди.

Ўтган давр мобайнида **маҳаллий хомашё асосида** ишлайдиган, импорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ҳам муайян натижалар қўлга киритилди. Жумладан, Фарғонадаги фуран бирикмалари заводи ва Янгийўлдаги целлюлоза-қоғоз фабрикасида линтни қайта ишлаш ҳамда целлюлоза ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида каустик сода, суюқ хлор, тузли кислота каби маҳсулотларни тайёрлашга мўлжалланган қувватларни барпо этиш бўйича лойиҳа ишлари ниҳоясига етди.

Пайвандлаш электродлари ва тиббий гигиена воситаларини ишлаб чиқариш ташкил этилди. Базальтдан олинадиган ўта ингичка тола, лак-бўёқ маҳсулотлари, ўтга чидамли ғишт ва шу каби зарур маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш бошланди.

Автомобилсозлик саноатида, қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

Маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга асосланган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг ўзлаштирилмоқда.

2001 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи, энг замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган «Кабул-Фарғона», «Чиноз тўқимачи» каби янги қўшма корхоналар ишга туширилди.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, агар 1991 йили республикамизда пахта толасини қайта ишлаш 12 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам 24 фоизга етди.

Пахта толаси ва ипак хомашёларидан энг мукаммал технология асосида тайёрланган калава, ип, пахта ва шойи газламаларини экспорт қилиш ҳажмлари анча ошди.

(Давоми 2-бетда)

DUNYO — VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

Президент Жорж Буш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида янги ташаббусни илгари сурмоқда. Бунга Киото протоколига муқобил таклиф сифатида қаралмоқда. Ж.Бушнинг ташаббуси мамлакатда ўн йил давомида ҳавога зарарли газ чиқариш даражасини 18 фоиз камайтиришга қаратилган.

❖ ❖ ❖

Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов амалий ташриф билан Францияга келди. У Парижда ҳукумат раҳбарлари билан минтақавий можаролар, хусусан, Яқин Шарқ муаммосини муҳокама этади. Шунингдек, халқаро хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашади.

❖ ❖ ❖

Канада ҳарбий кемаси пайшанба куни гиёҳванд моддa ортган кемани қўлга туширди. Канада миллий мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, кема юкхоналаридан «қорадори» жойланган тўқсонта қоп топилган.

❖ ❖ ❖

Келаётган якшанбада Франция миллий валютаси — франк муомаладан чиқарилади ва бундан кейин барча молиявий операциялар фақат еврода олиб борилади. Шунга қарамасдан, французлар ўз валюталарини алмаштиришга унчалик шошилишмаётир. Марказий банк шу кунгача биргина 500 франкли банкнотларнинг 56 фоизини қабул қилган, холос.

❖ ❖ ❖

Ҳиндистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг тан олишича, мамлакатда вабо эпидемиясининг тарқалиш эҳтимоли бор. Шу кунгача ушбу касалликдан 3 киши нобуд бўлган, 14 фуқаро рўйхатга олинган. Ҳиндистонда охирги марта вабо эпидемияси 1994 йилда кузатилган.

ОЛИМПИАДА — 2002: ХРОНИКА

Қишки олимпия ўйинларининг олтинчи куни ҳам кескин курашларга бой бўлди. Фигурали учиш бўйича эркаклар ўртасида кечган баҳсларда россиялик икки спортчи — Алексей Ягудин ва Евгений Плюшенколар олтин ва кумуш, америкалик Тимоте Гейбл эса бронза медалини қўлга киритишди.

Ҳамюртимиз Роман Скорняков шу мусобақада 29.0 очко билан 19-ўринни эгаллади.

Эркаклар ўртасида ўтказилган чанғи пойгасида Испания вакили Йоханн Мюлегг барча рақибларни ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринларни норвегиялик Томас Альгард ва Фроде Эстиллар банд этишди.

Шу куни хорватиялик спортчилар ҳам илк медални қўлга киритишди. Тоғ чанғи спорти мусобақасида Яница Костелич тезликда тушиш бўйича энг юқори натижани кўрсатиб, ўз ватанига биринчи олтин медални ҳадя этди. Кумуш ва бронза медаллари Ринат Гетшл (Австрия) ҳамда Мартина Эртль (Германия)ларга насиб этди.

Олтин медаллар бўйича Норвегия спортчилари биринчи ўринга кўтарилдилар. Улар шу кунгача 5 та олтин, 5 та кумуш медаль соҳиби бўлдилар.

БОБУРГА ЭҲТИРОМ

Шоир, давлат арбоби, буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 519 йиллиги Андижонда кенг нишонланди.

Жамоатчилик вакиллари, адабиётшунос олимлар, ижодкорлар, шеърият ихлосмандлари шаҳар марказида қад ростлаган — тулпорида Ватан сари юзланган Бобур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, улуғ алломани ёд этдилар.

Буюк шоирга эҳтиром рамзи сифатида Боғишамол даҳасида барпо этилган «Боғи Бобур»даги баҳорий нафас кўнгилни кўтариб, хушсурат табиатни эслатади. Зиёратгоҳнинг баланд пиллапояларидан кўтарилган сайин кўнгилда шоирга яқинлик туясиз. Боғ тўридаги миллий ва замонавий меъморчилик уйғунлигида қурилган «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи аллома ҳаёти ва ижоди билан ошно этади. Ноёб тарихий ҳужжатлар, ёзма ёдгорликлар, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган китоблар шоиру замон ҳақида сўзлайди.

Қутлуғ кунда гўшага келувчилар кўп бўлди.

Шоир таваллуди муносабати билан Андижон Давлат тиббиёт институтидаги илмий-маърифий анжуман катта йиғиннинг давомига айланди. Олимлардан Сайфуддин Жалиловнинг «Бобур ва Юлий Цезар» асари билан Шафиқаҳоним Ёрқин томонидан нашрга тайёрланган «Шоҳ Ғариб Мирзо» девони тақдимоти бўлди.

Истиқлол йилларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий-ижодий мероси муносиб баҳоланди. Шоир мероси, қадриятлари қайта тикланди.

Бу кун аҳли Андижоннинг кўнглида, қалбида Бобур. Шоир таваллуд кунидаги анжуманлар, дил сўзлари, эъзоз бунинг яққол намоён этмоқда.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ**

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

РАҚАМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Тошкент кўчаларида «30» рақамли автомашиналар пайдо бўлди.

— Номер чет элники бўлса керак, — деб ўйлаяпти баъзилар.

— Унда ҳошиялари сариқ ёки яшил бўлиши керак эди-ку, —демоқда бошқалар.

Масалага аниқлик киритиш учун Республика Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига мурожаат қилдик.

Маълум бўлишича, автомобилларга бундай давлат рақами берила бошлаганига 3 кун бўлибди. Бугунга келиб ҳудудий коди «30» билан белгиланган шахсий машиналарнинг 150 га яқини кўчаларимизда ҳаракат қилмоқда. Уларнинг сони энди кунма-кун ошаверади.

Шахсий автомашиналар кўпайиши натижасида ҳудудий коди «10» билан белгиланган барча сериядаги рақамларнинг тугаганлиги муносабати билан Тошкент шаҳрида янги ҳудудий кодга ўтилди. Бу фақат шахсий машиналарга тааллуқли. Давлат рақами белгисининг ҳудудий коллари 10 дан бошланиб, 23 да тугар эди. Уни 25, 26 деб давом эттириш чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун «30» белгиланди. Вилоятларда ҳам барча сериялар тугаса, аввалги тартибга ўхшаш, яъни Тошкент вилояти ҳудудий коди 31, Сирдарёда 32 ва ҳоказо тарзда белгиланиши мумкин.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2001 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА 2002 ЙИЛДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2001 йил иқтисодиётда ва умуман жамиятда ислоҳотларни чуқурлаштиришда танланган йўлни изчил ўтказишнинг мантиқий давоми, яна бир муҳим босқич бўлди.

Иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётни ўстириш тенденцияси аниқ кўзга ташланди: ялпи ички маҳсулот 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариши — 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги — 4,5 фоизга кўпайди. Биринчи марта ялпи ички маҳсулотни иқтисодий ислоҳотларгача бўлган 1991 йилги даражага нисбатан — 103 фоизга ўстиришга эришилди. Аҳоли жон боши ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 103,1 фоизни ташкил қилди, аҳолининг реал даромадлари 16,9 фоизга кўпайди.

Иқтисодиётнинг молиявий мутаносиблиги ва пул тизими мустаҳкамланди. Бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан бир фоиздан камроқни ташкил қилди. Йил бўйича нақд пул эмиссияси даражаси 6,5 фоизни ташкил этди. Тўлов интизоми даражаси ошди, етакчи идоралар ва корхоналар бўйича тўлов муддати ўтган дебиторлик қарз амалда йўқ.

Ташқи савдо айланмасини 3,1 фоизга ўстириш таъминланди, ташқи савдо операцияларида ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта заҳиралари илгариги даражада сақлаб қолинди.

Институционал қайта ўзгартириш жараёнлари чуқурлашди, бозор принциплари, механизмлари ва усулларининг иқтисодиётга таъсири кучайди.

Иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ҳамда техника билан қайта жиҳозлаш дастурларини рўёбга чиқариш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш сиёсати фаол амалга оширилди.

Кичик ва ўрта бизнес жадал суръатлар билан ривожланди, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 24,5 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалигида, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва секторларида ислоҳотларни амалга оширишда ижобий ўзгаришлар юз берди.

Валюта сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлди, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнлари чуқурлашди. Халқаро молия ташкилотлари билан икки томонлама муносабатларга динамик тус бериш учун мустаҳкам база яратилди.

Айни бир вақтда, ўтказилган махсус текширишларда табиий ва минерал-хомашё ресурсларидан самарасиз, хўжасизларча, талон-торож қилган ҳолда фойдаланишга доир қўпол ҳолатлар очиб ташланди.

Шўрланган ва ботқоқлашган ерларни қисқартириш, ирригация-мелиорация тармоқларини иш ҳолатида сақлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмаяпти.

Ер қонунчилиги қўпол равишда бузилмоқда, ерлардан, энг аввало, суғориладиган экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва уларга ноқонуний эгалик қилиш ҳоллари кўплаб учрайди. Наманган, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари бўйича ерлардан хўжасизларча фойдаланишга доир мисоллар кўп.

(Давоми 3-бетда)

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ – БОШ ЙЎЛИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Табиийки, хорижий инвестицияларни жалб этмай туриб, ишлаб чиқаришга киритилган капитал маблағлар ҳажмини оширмай туриб, бундай ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Жумладан, ўтган йили ана шу сармоялар улуши 62 фоиздан зиёд даражани ташкил этди.

Шуни айтишим зарурки, жорий 2002 йилда республика иқтисодиётини инвестициялаш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,5 фоизни ташкил этади. Капитал маблағлар таркибида хорижий инвестициялар ҳиссаси кўпайиб, у жами инвестицияларнинг 30 фоизига ёки 1 миллиард АҚШ долларига тўғри келади.

Ўтган йилнинг тўртинчи муҳим хусусияти — бу кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари янада тезлашгани билан боғликдир.

Кичик ва ўрта бизнеснинг, фермер хўжаликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асослари анча мустаҳкамланди ва такомиллашди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиблари жорий этилди.

Тадбиркорлар учун солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботлар топшириш тизими соддалаштирилди ва бир хил ҳолатга келтирилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини оширишга қаратилган қулай шарт-шароитлар яратилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кучайтирилгани натижасида назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар сони анча камайди.

Имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш миқёслари кенгайтирилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг ўзида 2,4 мартадан кўпроқ ошди. Буларнинг 70 фоизга яқини ўрта ва узоқ муддатли кредитлардир. Тадбиркор ва фермерларга берилган микрокредитлар ҳажми эса 27 миллиард сўмдан зиёд бўлди.

Кичик ва ўрта бизнес вакилларининг моддий-хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни товар-хомашё биржаларида сотиш ҳажми ошиб бормоқда.

Натижада кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўсиб, у ҳозирги кунда 24,5 фоизни ташкил этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 53 фоиздан кўпроғи кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

Лекин, бу ерда ўтирган барча раҳбарларни огоҳлантириб айтмоқчиманки, бундан бошимиз айланиб, мағрурланиб кетмаслигимиз керак. Бу соҳада ҳали жуда кўп муаммолар бор, уларни ҳал этиш учун белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келади.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда.

Ўтган йилда ҳам қишлоқ хўжалик кооперативлари, яъни ширкатларни шакллантириш ишлари давом эттирилди. Бундай хўжаликларнинг аъзолари мулк пайларига эга бўлдилар. Зарар кўриб ишлайдиган ва кам самарали хўжаликлар негизида фермер хўжаликлари ташкил этишга алоҳида аҳамият берилди.

2002 йилнинг 1 январигача жами 1 минг 900 та хўжалик, шу жумладан, 2001 йилнинг ўзида 112 та хўжалик ширкатларга айлантирилди. Ҳозирги вақтда 1 миллион 400 минг киши ширкат аъзоси бўлди. Ўтган йили 52 та қишлоқ хўжалик корхонаси негизида танлов асосида 3 минг 400 фермер хўжалиги ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги жами фермер хўжаликларининг сони эса 55 минг 400 тага етди.

Хўжаликлар билан тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги муносабатлар ва ҳисоб-китоблар тизими тубдан ўзгармоқда. Мулк шаклидан қатъи назар, барча қишлоқ хўжалик корхоналарида молия-ҳисоб марказлари ташкил этилиб, харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг чек тизими асосида иш олиб борилмоқда.

Ҳисобот йилида қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъектларни молиявий соғломлаштириш бўйича жиддий чоралар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигини иш самарадорлиги юқори бўлган, замонавий техника воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимининг жорий этилиши олдинга ташланган муҳим қадам бўлди. Тўғри, лизинг тизимини қўллаш кўлами ҳозирча унчалик кенг эмас, лекин шу нарса аниқки, қишлоқ меҳнаткашларини техника билан таъминлашнинг бу усули катта истиқболга эга.

Олтинчидан, 2001 йили биз ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш муаммоларини ҳал қилишда сезиларли натижаларга эришдик.

Экспорт контрактларини расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилди. Кичик ва ўрта бизнеснинг барча субъектлари рўйхатдан ўтган кунидан бошлаб бевосита ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси ҳисобланади. Улар учун экспорт қилинадиган маҳсулотдан келадиган валюта тушумининг 50 фоизини сотиш мажбурияти бекор қилинди.

2001 йилда валюта сиёсатида, уни янада эркинлаштириш борасида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Валюта алмашув курсларини унификация қилиш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда. Бугун ички валюта бозоридаги барча операциялар, хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, эркин алмашув курси бўйича амалга оширилмоқда.

Ички валюта бозори анча мустаҳкамланиб, унда амалга ошириладиган барча операциялар ва механизмлар тизими сезиларли равишда ўзгарди. Банкларарo валюта савдоси сессиялари тизими ташкил этилиб, республика валюта фонди тугатилди. Марказий банкнинг квоталаштириш ва лицензиялар бериш тартиби бекор қилинди. Шунингдек, республикага нақд валюта олиб киришда қўлланиладиган бир фоизли йиғим олиш амалдаги қоидалардан олиб ташланди.

Бугунги кунда барча валюта операциялари фақат ваколатли банклар томонидан амалга оширилмоқда ва бу банклар биржадан ташқари валюта бозорида асосий бўғинга айланиб бормоқда.

Банкларарo валюта савдо сессиялари ошкоралик ҳамда очиқлик тамойилларига асосланган ҳолда ҳар куни ўтказиб келинмоқда.

Деярли барча ваколатли банкларга валюта алмаштириш операцияларини бажариш ҳуқуқи берилган. Бугунги кунда ваколатли банкларнинг 1 минг 21 та алмаштириш шохобчалари валюта алмаштириш операцияларини бажармоқда.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилнинг ўзида жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертациясини таъминлаш юзасидан салмоқли қадамлар қўйилди. Бу ишларни 2002 йилда албатта охирига етказишимиз зарур.

Яна шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, кейинги вақтларда бизнинг халқаро молия ташкилотлари билан муносабатларимиз сифат жиҳатидан ўзгариб бормоқда. Икки томонлама муносабатларни келгуси йилларда янада ривожлантириш мақсадида ўзаро келишилган ҳамкорлик стратегияси ишлаб чиқилиб, бу борада мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси **Ҳукуматининг** Халқаро валюта фонди билан келишган ҳолда 2002 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иқтисодий ва молиявий сиёсати бўйича Меморандумининг ишлаб чиқилгани ва кучга киритилгани ушбу ҳамкорликнинг яққол самарасидир.

Мазкур Меморандумнинг кўпгина қоидалари бугунги кундаёқ амалга оширилмоқда. Бироқ бу борада жорий йил давомида қилинадиган ишлар ҳам кўп.

Ҳурматли дўстлар!

Жорий йилдаги иқтисодий стратегиямизнинг асосий маъно-мазмунини белгилайдиган давлат бюджетининг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлари ва йўналишлари Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида кенг муҳокама этилгани ва маъқулланганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Биз бугун ўтган йил якунларидан келиб чиқиб, 2002 йил давомида асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган энг муҳим вазифаларни яна бир бор аниқлаб олишимиз керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, 2002 йилда биз, аввало, қандай устувор масалаларга эътиборимизни қаратишимиз даркор?

Биринчилар қаторида иқтисодиётимиздаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъий молия ва кредит сиёсатини ўтказиш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг энг муҳим стратегик вазифамиз халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида экспорт товарлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат эканлигини унутмаслигимиз керак.

2002 йил **мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш** масаласини ҳал қилишда кескин бурилиш йили бўлиши зарур. Бунинг учун сон кетидан қувмасдан, ишни хусусийлаштириш дастурига кирган конкрет йирик корхоналардан, биринчи навбатда, алоҳида лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган, аввало, хорижий инвесторларга тўла сотилиши мўлжалланган корхоналардан бошлаш лозим.

Айтиш керакки, бу борада ҳали ечилмаган талай муаммолар мавжуд. Шундай экан, бу ишга жалб этилган, молия соҳасини чуқур биладиган хорижлик маслаҳатчилар билан кенг ва фаол иш олиб бориш даркор.

Шу жумладан, бир неча йиллардан буён сотолмаётган акциялар пакетларини ҳамда инвесторларнинг эътиборини ҳозиргача ўзига тортмаётган объектлар бўйича аҳволни атрофлича ўрганиб, тегишли чора-тадбирлар ва таклифларни тез кунларда кўриб чиқишимиз керак.

Ана шундай акциялар пакетлари ва бутун бошли объектларни, инвестор ўз зиммасига аниқ инвестицион мажбуриятлар олган тақдирда, маълум муддатдан кейин сотиб олиш шарти билан уларнинг бошқарувига бериш тажрибасини янада кенгроқ қўллаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, мулк шаклини ўзгартириш масалаларига ҳар томонлама ўйлаб ёндашиш даркор.

Пахта тозалаш, кимё ва мебель саноати, энергетика, темир йўл ва автомобиль транспорти, капитал қурилиш ва коммунал хўжалик каби тармоқларни **монополиядан чиқариш бўйича бошлаган ишларимизни мантиқий ниҳоясига етказиш,** рақобатни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш керак.

Жорий йилда **солиқ ва бюджет соҳаларини ислоҳ этиш,** республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари фондлар ролини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Биз бундан буён ҳам солиқлар миқдорини камайтириш сиёсатини изчиллик билан олиб боришимиз керак. Айни вақтда солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиб бориши, бу жараён айниқса табиий ва минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш борасида кучайиши керак.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, солиқлар қанчалик паст даражада бўлмасин, ҳеч кимга, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ёққан эмас. Муҳими, солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим.

2002 йилга мўлжалланган иқтисодий стратегиямизнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган, ҳал қилувчи масаласи шундан иборатки, биз валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, унинг алмашув курсини унификация қилиш, жорий операциялар бўйича эркин конвертация қилинишини таъминлашимиз зарур. Табиийки, бу ишларнинг барчасини, тўлов балансимизни мустаҳкамлаб, олтин-валюта заҳираларимизни сақлаган ҳолда амалга ошириш даркор.

Шу билан бирга, **ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш бўйича,** божхона тўловларини амалга ошириш тартибларини янада енгиллаштириш ва уларни соддалаштириш бўйича, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш лозим. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини сертификациялаш соҳасидаги ишларни жадаллаштириш зарур.

Ижтимоий масалаларга устувор аҳамият бериш, бу борада фаол, энг муҳими, кучли ва самарали сиёсат олиб бориш ҳамиша бизнинг диққат марказимизда бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, албатта.

Бу — бутун сиёсатимизнинг, ўтказилаётган ислоҳотларнинг барча босқичларида доимий ва изчил амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналиш бўлиб қолиши керак.

Маълумки, бу борада ҳукумат томонидан бир қатор муҳим ижтимоий дастурлар қабул қилинди. Уларни бажариш билан боғлиқ вазифаларнинг катта қисми 2002 йилга тўғри келади. Бу, аввалambор, 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури ҳамда Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилинган давлат дастуридир.

Бу дастурлар, аввало, кекса авлод вакилларига бўлган ғамхўрлик ва эътиборни кучайтиришга, ёши улуғ инсонлар ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини давлат ва жамият томонидан моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бинобарин, улар тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши зарур.

Бу дастурларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши пировард натижада аҳолимиз, айниқса, ҳар бир пенсионер, барча отахон ва онахонларимизнинг яшаш шароити, саломатлиги ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатишига эришмоғимиз керак.

Мен ушбу дастурий тадбирларни бажариш барчамизнинг виждоний бурчимиз эканини, бу борадаги масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари зиммасига юклатилганини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Бу дастурларнинг қандай ижро этилаётганини Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида кўриб чиқиш керак.

Шу ўринда яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса, туғилаётган болалар ва аёллар соғлиғини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш масаласидир. Бу ҳақда 2002 йил 25 январда Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилганидан хабардорсиз.

Гап, бир қаришда жуда оддий бўлиб туюладиган, аслида эса ўта муҳим аҳамиятга молик бўлган **«соғлом она — соғлом фарзанд»** деган ҳаётий масала хусусида бормоқда. Нафақат соғлом ва барқарор оилани шакллантириш, балки бутун жамиятимизда соғлом муҳит барпо этиш, халқимизнинг фаровон турмуши ва келажагини таъминлаш ҳам ушбу масаланинг қандай ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Муҳтарам йиғилиш қатнашчилари!

Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг 2002 йилга мўлжалланган муҳим устувор вазифаларини аниқлар эканмиз, биз Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессияси қарорларида, «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 2 июнда қабул қилинган Фармонда ҳамда Халқаро валюта фонди билан келишилган иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандумда кўзда тутилган дастурий мақсадлардан келиб чиқамиз.

Бошқача айтганда, мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошланган йўналишларни, яъни ҳаётимизнинг барча соҳа ва жабҳаларини демократик қадриятлар ва талаблар асосида модернизациялаштириш — янгиланиш борасидаги ҳаракатларимизни бош йўлимиз, деб қабул қилишимиз ва қатъият билан давом эттиришимиз зарур.

Бу вазифаларни бажариш биздан барча куч ва имкониятларимизни, кенг маънода бутун салоҳиятимизни тўла сафарбар этишни талаб қилади.

Ҳеч шубҳасиз, бу эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида, аввалambор, барча-барча муаммолар қаторида муҳим бир масалага алоҳида эътиборимизни қаратишга бизни бугун ҳаётнинг ўзи мажбур қилмоқда.

Гап, аввало, мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш устида бормоқда.

Гап, биринчи галда, табиатнинг бебаҳо неъмати — халқимизнинг бойлиги бўлмиш экин экиладиган ерлардан, суғориш ва ичимлик сувидан, ёқилғи-энергетика, минерал-хомашё ва бошқа ресурслардан тўғри ва асраб-авайлаб фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Юртимизга ташриф буюрган, бизнинг ресурсларни тежаш масаласига бўлган бепарво муносабатимизни кўрган чет эллик ҳамкорларимизнинг «Сизлар дунёнинг энг бой мамлакатида яшаб эксанг-из» деганига кўп бор гувоҳ бўламиз. Уларнинг бу борада нечоғли ҳақ эканликларини инкор этиб бўлмайди. Чунки улар ҳатто энг бой ва гуллаб-яшнаётган мамлакатлар ҳам ресурсларга нисбатан бу қадар масъулиятсизликка, бу қадар исрофгарчиликка йўл қўймаслигини яхши билишади.

Айниқса, фақат ўзини, бугунги кунини эмас, келгуси авлодларини ҳам ўйлайдиган мамлакатлар бундай ҳолатга асло йўл қўймайди.

Мисол учун, **энг бебаҳо бойлигимиз** — ердан фойдаланишни олайлик. Шу нарса барчамизга яхши маълум бўлиши керакки, биздаги ўта оғир сув тақчиллиги шароитида Ўзбекистон ерларининг фақатгина 10 фоизидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Мамлакатимиз аҳолиси асосий қисмининг даромади ва фаровонлиги мана шу ердан самарали фойдалана олишимизга, унинг ҳосилдорлигини қай даражада сақлаб туришимизга боғлиқ эканини англаган ҳолда бу муаммо нақадар муҳим эканини тушунишимиз қийин эмас, деб ўйлайман.

Сўнгги пайтларда ўтказилган текширувлар натижасида ердан фойдаланиш масаласида тоқат қилиб бўлмайдиган хўжасизлик фактлари, ер ҳақидаги қонунчиликни кўпол равишда бузиш ҳолатлари аниқланди.

Қанчадан-қанча ерлар, энг аввало, суғориладиган экинзорлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Кўплаб дала майдонлари ҳар йили турли баҳонаю сабаблар билан экилмай қолмоқда. Ер майдонларидан белгиланган мақсадларга зид равишда ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари, минг афсуски, ҳар қадамда учраб турибди.

Бизни боқадиган, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерга нисбатан бундай ноинсофларча муносабат қандай нохуш оқибатларга олиб келишини англаш учун, ўйлайманки, мутахассис бўлиш шарт эмас. Бунинг устига, қанча-қанча ерларни шўр босаётганини, кўп майдонлар зах ерларга, ботқоққа айланиб бораётганини барчамиз яхши биламиз.

Айниқса, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган ва бошқа вилоятларда ҳам ердан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари кўплаб содир бўлмоқда.

Ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва ундан қонунга хилоф тарзда фойдаланиш фактлари Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кўплаб учрайди. Тошкент вилоятида яқинда ўтказилган биргина текширув чоғида ерни қонунсиз равишда эгаллаб олиш билан боғлиқ 13 та ҳолат аниқлангани ҳам бу борада муаммолар етарли эканини кўрсатиб турибди.

Мана шундай нохуш, бемаза аҳволни тасдиқлайдиган баъзи бир мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

2001 йил якунларига кўра, республика бўйича 120 минг 500 гектар ерда пахта ҳосилдорлиги ўртача 10 центнердан, 104 минг 500 гектар ерда эса 15 центнердан ошмади.

Бошқача айтганда, тахминан 250 минг гектар суғориладиган ерда пахтачилик соҳасида қилинган деҳқончилик ҳеч қандай самара бермасдан, фақатгина зарар келтирмоқда. Шу жумладан, бундай ерларнинг тахминан 90 минг гектари Сирдарё вилояти, 53 минг гектари Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади. Агар ғаллачилик соҳасини ҳам қўшиб ҳисобласак, бундай ерларнинг ҳажми 320 минг гектардан ортади.

Ердан хўжасизларча ва самарасиз фойдаланиш оқибатида 41 минг 500 гектар майдондаги бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлиги 15 центнерни, 25 минг 400 гектар ерда эса атиги 10 центнерни ташкил этди.

Пахта ҳосилдорлиги Самарқанд вилоятининг Гўзалкент тумани хўжаликларида 13,2 центнер, Пайариқ туманида 10,2 центнер, Челак туманида 8,3 центнер, Жиззах вилоятининг Зомин туманида 8,6 центнер, Зарбдор туманида 11,9 центнер, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида эса бор-йўғи 18,8 центнер даражасида бўлганига нима деб баҳо бериш мумкин?

Эътибор беринг, Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 26,5 центнерни ташкил этган бўлса, ер ва иқлим шароитлари, минерал ўғитлар ҳамда бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминланиш даражаси бир хил бўлган **Каттақўрғон туманида** бу кўрсаткич бор-йўғи 18,7 центнерни ташкил этди.

Ёки Наманган вилоятининг **Мингбулоқ тумани** хўжаликлари ҳар гектар ер ҳисобига 16,1 центнер ҳосил олган бўлса, тупроқ ва иқлим хусусиятлари бир хил бўлган, сув ва бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминланиш жиҳатидан ҳам бир хил шароитга эга бўлган Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Андижон вилоятининг Улуғнор туманлари хўжаликлари тегишлича гектарига 28,7 ва 20,5 центнердан хирмон кўтариб, шартнома мажбуриятларини бажардилар.

2001 йили республика бўйича 41 минг 500 гектар экин майдонидан ер тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузган тарзда фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Ер ресурслари бўйича Давлат қўмитаси томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, Самарқанд, Навоий, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида 2 минг гектар ерга қонунга хилоф равишда ерёнғоқ, шоли, полиз ва бошқа экинлар экилгани маълум бўлди.

Сирдарё вилоятида 560 гектар ерга пахта ўрнига полиз ва бошқа экинлар экилгани, статистик ҳисобот бузиб кўрсатилгани ҳамда 80 гектар майдон ўзлаштирилди, деб сохта ҳужжатлар расмийлаштирилганини қандай баҳолаш керак?

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги 18 та хўжаликда чигит экиш майдонларига салкам 3 минг гектар, жумладан, шу туманнинг «Нурафшон» хўжалигида 250 гектар, «Шарқ юлдузи» хўжалигида эса 580 гектар майдон статистик ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Арнасой туманидаги бир қанча фермер хўжаликлари ҳам пахта экишга мўлжалланган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлар. Жумладан, «Нушкент» фермер хўжалиги белгиланган 106 гектар ўрнига 51 гектар, «Ҳасан» фермер хўжалиги эса 45 гектар ўрнига 24 гектар ерга пахта эккан. Қўшиб ёзилган ерларга эса шахсий бойлик орттириш мақсадида бошқа экинлар экилган.

2001 йилдаги кескин сув тақчиллиги шароитида Навоий вилоятида 60 гектар ерга, Наманган вилоятида 2 минг 300 гектар ерга, Самарқанд вилоятида 160 гектар ерга, Фарғона вилоятида эса 1 минг 900 гектар ерга ўзбошимчалик билан шоли экилган. Натижада 156 миллион куб метр суғоришга мўлжалланган сув белгиланган лимитдан ортиқча ишлатилган.

Айрим туманлар ва хўжаликлар раҳбарлари томонидан ўзининг шахсий ғаразли манфаатини кўзлаб, суғориладиган ерларни талон-торож қилиш, қонунга хилоф равишда сотиш ёки ижарага бериш каби кўплаб ҳолатлар аниқланди.

Бундай фактлар Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида, айниқса, кўп учрайди.

Бошқа вилоятлардан ҳам шундай мисолларни кўп-кўп келтириш мумкин.

Бизнинг яна бир бебаҳо бойлигимиз — сув эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Буни сўнгги икки-уч йил давомида мамлакатимиз бошига тушган, қишлоқ хўжалигига, бутун иқтисодиётимизга жуда катта зарар келтирган қурғоқчилик даврида айниқса яққол ҳис этдик.

Шунинг учун ҳам ерларни суғоришга яроқли сувдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишга, суғориш ва ирригациянинг замонавий тизимларини жорий қилишга, сувдан фойдаланиш интизомини кучайтиришга, бу борада яхши натижаларга эришаётганларни эса рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ниҳоятда зарур эканини ва бу масала орқага суриб бўлмайдиган муаммога айланиб бораётганини тушуниш мушкул эмас.

Айни пайтда сувдан хўжасизларча, айтиш лозимки, жиноятқорона, назоратсиз фойдаланиш билан боғлиқ ҳар бир конкрет ҳолатга, суғоришга яроқли сувни коллектор-дренаж тармоқларига оқизиб юбориш фактларига қатъийлик билан барҳам беришимиз лозим.

Энди, ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, ҳар томчи сув олтинга тенг бўлиб турган бир пайтда кўплаб вилоятларда сувдан фойдаланиш коэффициенти тушиб кетганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Наманган каби бир қатор вилоятларда содир бўлаётган бундай салбий ҳолатларнинг сабабларини чуқур синчиклаб ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш шарт, деб ҳисоблайман.

Алоҳида эътиборимизни талаб қиладиган яна бир масала борки, у ҳам бўлса **ичимлик сувни тежаш** масаласидир. Яқин йиллар ичидаёқ бу масала энг кескин муаммолардан бирига айланиши, ичимлик суви эса энг ноёб ва қиммат баҳо табиий ресурс бўлиб қолиши мумкин.

Биз ҳозирнинг ўзидаёқ бутун-бутун минтақаларда, хусусан, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро вилоятларида, Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятларининг айрим туманларида сифатли ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқдамиз.

Айни пайтда, қатор ҳудудлар сифатли ичимлик сувига катта эҳтиёж сезаётганига қарамай, сувни исроф қилиш ва ундан назоратсиз фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўп.

Бу масала ўрганилганда, аҳоли томонидан сув сарфлашнинг амалдаги миқдори белгиланган меъёрлардан 2-3 баробар ортиқ экани аён бўлди.

Корхоналарда, автомобиль ювиш шохобчаларида ичимлик сувдан техник мақсадларда фойдаланиш каби бемаъни одатларга ҳанузгача чек қўйилмаяпти. Бундан ташқари, айрим шаҳарлар ва туман марказларида суғориш шохобчалари йўқлиги, мавжуд ариқларнинг эса кўмиб ташлангани туфайли ёз мавсумида аҳоли водопровод сувидан суғориш мақсадлари учун фойдаланмоқда.

Шу билан бирга, ичимлик суви сарфланишини ҳисобга олувчи мосламаларни — ўлчагичларни ўрнатиш ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда.

Бу муҳим ишга бўлган бундай лоқайд муносабатга асло тоқат қилиб бўлмайди. Бу масалани қисман ўрганиш шуни кўрсатдики, 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Бухоро вилоятида уй-жой фондининг бор-йўғи 4 фоизи ана шундай ўлчагичлар билан таъминланган. Афсуски, бошқа вилоятларда, хусусан, Тошкент шаҳрида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. «Тошвилоятсувоқова» трестига қарашли истеъмолчиларнинг атиги 3 фоизидагина ана шундай ўлчагичлар мавжуд, холос.

Энергетика ресурсларидан, биринчи галда табиий газдан фойдаланиш аҳволини ҳам мен мутлақо қониқарсиз, деб ҳисоблайман.

Ҳозирга қадар табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва етказиб беришда сезиларли техник йўқотишларга йўл қўйилмоқда. Бошқа турдаги энергетика ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда, газдан электр энергияси ҳосил қилиш учун фойдаланилаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Шуни афсус билан айтиш керакки, истеъмолчиларнинг ўзи, энг аввало, саноат корхоналари ҳам газдан тежамкорлик билан фойдаланмаяптилар.

Газдан қонунсиз равишда фойдаланиш ва уни ўғирлаш ҳоллари кўплаб учраб турибди. Масалан, республика бўйича ўтказилган текширишлар натижасида жами 12 мингдан ортиқ теплицаларнинг қонунга хилоф равишда газ билан таъминланаётгани аниқланди. Бундай теплицаларнинг сони Самарқанд вилоятида 4250 та, Тошкентда 1500 та, Андижон вилоятида эса 1450 та эканлиги маълум бўлди.

Уй-жой фондини газ ўлчагичлар билан таъминлаш иши ҳам қониқарсиз аҳволда. Текширишлар шуни кўрсатдики, Бухоро вилоятида уй-жой фондининг 6,4 фоизи, Наманган вилоятида 5,6 фоизи ана шундай ускуналар билан таъминланган, холос. Бошқа жойларда ҳам аҳвол шундай.

Таҳлиллар шундан далолат беradики, айрим аҳоли қатламларининг табиий газдан фойдаланиш даражаси меъёрдагига нисбатан 1,5-2 баравар ортиқ. Савол туғилади — хонадонлар газдан турли миқдорда фойдаланганлари ҳолда, нега энди бунинг учун бир хил ҳақ тўланиши керак?

Электр энергиясини нега тежамаймиз? Бугун республикамиз ишлаб чиқариш корхоналарининг электр энергиясини сарф қилиш даражаси илғор Ғарб мамлакатларидаги кўрсаткичдан уч баравар ортиқ.

Катта ҳажмда электр энергияси истеъмол қиладиган кимё, тўқимачилик, машинасозлик саноатининг йирик корхоналари, қурилиш материаллари саноати ва бошқа завод-фабрикаларда энергия қуввати меъёридан ортиқча сарф бўлаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бунинг сабаби шундаки, ҳалибери бундай нуқсонларга йўл қўйган бирорта раҳбар ўз чўнтагидан бирор сўм ҳам жарима тўлагани йўқ. Ҳаммаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Исрофгарчилик учун жазо берилмас экан, раҳбар ҳам, оддий ходимлар ҳам бу масалада бепарво бўлаверади.

Бу ҳолат нафақат ёқилғи-энергетика соҳасига, балки бошқа муҳим моддий ва табиий ресурслардан фойдаланишда ҳам тежамкорлик ва белгиланган меъёрларга амал қилиш масаласига тегишлидир.

Маиший соҳада, шаҳар хўжалигида электр энергиясидан оқилона фойдаланишга ҳам етарли даражада эътибор берилмаяпти. Айрим бюджет ташкилотлари ўлчагичларга эга бўлмагани сабабли фойдаланилган электр энергияси учун ўрнатилган қувват даражасида ҳақ тўламоқда.

Электр тармоғига қонунсиз равишда уланиб олиб, энергиядан бепул фойдаланиш ҳоллари ҳам, афсуски, оз эмас. Бу ишни назорат қилувчи органларнинг фаолияти эса мутлақо талабга жавоб бермайди.

Муайян товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасида моддий ресурсларни тежаш тўғрисида гапирганда, шуни эътиборга олиш керакки, биз бунда фақат ресурслари иқтисод қилишнигина назарда тутаётганимиз йўқ.

Асосий масала шундаки, моддий ресурслардан хўжасизларча, масъулиятсизлик билан фойдаланиш маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган материал ва энергия сарфининг ошишига, бу эса, ўз навбатида ана шу маҳсулот таннархининг қимматлашувига олиб келади. Товарнинг нархи ошиб кетади ва оқибатда у рақобатга бардош бера олмайди. Шу тариқа, маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз йўққа чиқади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, бу борада тартиб ўрнатиш учун қаттиқ чораларни кўриш вақти келди.

Бундай муҳим масалалар юзасидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов раҳбарлигида Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссиясини тузиш керак. Унинг таркибига манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, текширувчи ташкилотлар ҳамда прокуратура вакилларини киритиш зарур, деб ҳисоблайман.

Мазкур комиссия тегишли ресурс турлари бўйича аҳволни ўрганиб, 2010 йилгача бўлган даврда улардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича дастур ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши лозим.

Бу дастурда ресурсларни тежаш

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ – БОШ ЙЎЛИМИЗ

(Давоми. Боши 1-,2-betларда)

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги, жумладан, Халқаро молия корпорацияси, АҚШдаги ОПИК, Германиядаги ДЕГ каби молия ташкилотларининг айнан хусусий тармоқни ривожлантириш учун инвестиция киритишга тайёр экани шундан далолат беради.

Хўш, бунинг сабаби нимада?

Бунинг сабаби жуда оддий.

Хусусий тармоқни ривожлантириш давлат мулкчилигига асосланган тоталитар тузумдан хусусий мулкчилик принциплари амал қиладиган демократик жамиятга ўтиш жараёнининг узвий қисми бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутишини унутмаслигимиз керак.

Айнан мулкчилик шаклининг ўзгариши иқтисодиёт ва жамият ҳаётида ортга қайтариб бўлмайдиган жараёнлар ва ўзгаришлар учун мустаҳкам замин, мустаҳкам асос яратади. Шундагина жамият ҳаётида ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг, меҳнатга муносабатнинг тамомила янгича тамойиллари амал қила бошлайди.

Хусусий тармоқни ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида гапирганда, биз, энг аввало, кичик ва ўрта корхоналарни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда тутаётганимизга алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Тараққий топган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий тармоқ одатда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланади. Бундай давлатларда хусусий тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50-60 фоизни ташкил этади. Меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 65-70 фоизи эса айнан мана шу соҳада фаолият кўрсатади.

Мана энди, шу асосда тегишли хулосаларни чиқарайлик. Ўзбекистонда хусусий секторнинг улуши ялпи ички маҳсулотимизда фақатгина 35 фоизни, аҳолини иш билан таъминлашда эса атиги 30 фоизни ташкил қилади.

Агар биз аҳолимизнинг асосий қисми ўйрик корхоналар қуриш имконияти бўлмаган, хизмат кўрсатиш соҳаси кам ривожланган қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш юртимизда нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас.

Масаланинг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Агар биз тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, барча замонларда ҳам халқимизнинг дунёқараши, ўзига хос тафаккур ва турмуш тарзида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга интилиш доим жуда кучли бўлганини кўрамиз.

Бизнинг минтақамизда азал-азалдан ҳунармандлик ривожланган. Тўқимачилик, миллий пойабзал тикиш, кулолчилик, амалий санъат, ганчкорлик, темирчилик, ўймакорлик билан шуғулланадиган кичик-кичик устахона ва дўконлар кўп бўлган.

Аҳолининг асосий қисми шу касб-ҳунарлар билан банд бўлиб, уларнинг маҳорати авлоддан-авлодга ўтиб келган. Биз буни ёддан чиқармаслигимиз, бугунги дунё тараққиётидан келиб чиққан ҳолда уларни янги техник асосда қайта тиклашимиз лозим.

Албатта, бу борада кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, менинг фикримча, бу соҳага танқидий кўз билан қараб, унга қўшимча ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа имтиёзлар бериш масаласини яна бир бор кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу соҳада ишлаётган одамлар меҳнатини рағбатлантириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишнинг янги-янги имкониятларини қидириб топишимиз даркор. Шу мақсадда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида мамлакатда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиришга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар киритиши лозим.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Мен алоҳида диққат-эътибор талаб этадиган яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Бу — фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш масаласидир.

Кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжаликларини ташкил этишнинг афзалликларини яққол кўрсатмоқда. Фермер хўжаликлари мулкка эгалик ҳиссиётини англаб, ерга нисбатан тежамкорлик билан оқилона муносабатда бўлган ҳолда, кам сарф-харажат эвазига пахта ва ғалладан юқори ҳосил олаётгани, чорвачиликда маҳсулдорликни оширишга эришаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, фермерлар орасида ҳам ҳар хил номуносиб одамлар учраб туришини ҳисобга олишимиз даркор. Лекин, ўйлайманки, бу соҳа ривожланиши билан бундай мисолларнинг тобора камайиб бориши муқаррар.

Зарар кўриб ишлаётган ва кам самарали қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бундай хўжаликларда меҳнатни ташкил этиш тобора яхшиланиб, молиявий барқарорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Бугунги кунда етиштирилаётган бошоқли дон экинлари умумий ҳажмининг 18,5 фоизи ва пахта хомашёсининг қарийб 22 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу сабабли биз ширкатлар ташкил этиш имконияти бўлмаган ва мақсадга мувофиқ келмайдиган жойларда фермер хўжаликларини тузиш ҳақида жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Бу йил Сирдарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларининг Меҳнатобод, Мирзаобод ва Ёзёвон туманларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш юзасидан берган таклифлари қабул қилинди.

Бунга қадар худди шундай масала Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ҳам ҳал этилган эди. Барчамиз шу ҳақиқатни яхши тушуниб олишимиз зарурки, фермерлик, бу — фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қиладиган кучли омилгина эмас. Фермерлик, аввало, ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланишнинг замонавий усули бўлиб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янгича амалий шаклидир.

Фермерлар манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли механизмларни ишлаб чиқиш, бу борадаги мавжуд барча ғов-тўсиқларга барҳам бериш, ушбу соҳани доимо қўллаб-қувватлаш лозим. Бунинг учун иқтисодий механизм ва рағбатлантирувчи омиллар билан бир қаторда қонун кучидан, суд ҳокимиятининг нуфузи ва қудратидан ҳам самарали фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайман.

Фермерлар фаолиятига туман ҳокимлиги, ширкатлар раҳбарлари, турли назорат органлари ва тузилмалари томонидан қонунсиз аралашиш, такрорлаб айтаман, қонунсиз аралашишдек номаъқул ишларга бутунлай, узил-кесил чек қўйиш вақти келди.

Фермерларга механизация хизматлари бўйича кўрсатилаётган ёрдамни кенгайтириш, уларни минерал ўғит, сифатли уруғлик ва кичик технологиялар билан таъминлаш, тегишли ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, лизинг хизмати билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш зарур.

Бу ўринда фермерлар ва улар билан шартнома имзолаган субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини тўғри асосда ташкил этиш ўта муҳимдир. Бунда маҳсулотларнинг ўз вақтида реализация қилиниши ва улар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилиш, айниқса, катта аҳамият касб этади.

Фермерларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида ўйлаб кўриш, бунинг учун керакли манбаларни излаб топиш зарур. Фермер ва деҳқон хўжаликларини микрокредитлар билан таъминлаш борасида Тошкент вилояти тажрибасини кенг оммалаштириш лозимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. **Микрокредитларнинг қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўринлари, янги даромад манбалари эканлигини ҳаммамиз аниқ-равшан тушуниб олишимиз керак.**

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан биргаликда амалдаги қонунчиликни, фермер хўжаликларининг фаолият юритиш шароитларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қишлоқда фермерликни янада ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий ва иқтисодий қулай имкониятлар яратиш юзасидан таклифлар киритсин.

Ҳурматли дўстлар!

Бизнинг доимий эътиборимизни, тинимсиз саъй-ҳаракатимизни талаб қилувчи масалалардан яна бири — иқтисодиётимизга **хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласидир.**

Албатта, бу масалалар бизнинг доимий диққат марказимизда туради. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда бу борада тегишли шарт-шароитлар яратилган. Биз бу ишларни хорижий ҳамкорлар билан давом эттиришни ўзимизнинг асосий вазифамиз, деб биламиз.

Аммо мен бу масалада сусткашлик қилаётган, чет эллик ҳамкорлар билан етарли даражада иш олиб бормаётган корхона, соҳа, ҳудудий бошқарув органлари раҳбарларини асло тушуна олмайман.

Ҳалигача республиканинг 31 та туманида хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмаган. Савол туғилади — нима, бу туманларда инвесторларга тавсия этишга арзийдиган ҳеч нарса йўқми? Мен бундай фикрга қўшила олмайман. **Биз жуда бой ресурсларга эгамиз. Лекин, гап бошқа нарсада. Бизда ташаббуссиз ва масъулиятсиз раҳбарлар ҳамон кўплаб топилади.**

Хорижий инвестицияларни бевосита жалб этиш ишлари сust олиб борилмоқда. 2001 йили иқтисодиётимизга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмидан фақат 13,4 фоизигина бевосита амалга оширилди.

Бу борада ҳали-ҳануз кўпчилик ҳукумат кафолатига эга бўлишга интилади. Э, барака топкур, ҳукуматимиз кафилликни ўзига олиб, ҳамма масалани ўзи ҳал қилиб берадиган бўлса, янги қўшма корхона ташкил этиш учун катта ақл керак эмас-ку. Буни тушуниш, наҳотки, шунчалик қийин бўлса?

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича, жойлардаги мавжуд хомашё ҳисобига ишлайдиган қўшма корхоналар очиш бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилишини таъминламаётган раҳбарлар олдига қатъий талаблар қўйишимиз керак. Вазирлар Маҳкамаси ўзининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишида мазкур дастурлар ижросини муҳокама қилиши ва уларни бажармаётган мутасадди шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриши зарур.

Ҳудудларда хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи (Азимов) қўшма корхоналарнинг вакиллари билан биргаликда бу масалани чуқур ўрганиб чиқсин ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва қўшма корхоналарнинг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугунги кунда **кадрлар тайёрлаш соҳасини** ривожлантиришнинг аҳамияти тўғрисида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бу соҳада анчагина ишлар қилинаётган бўлса-да, очиғини айтиш керакки, улар ҳали етарли эмас. Умуман олганда, бу ишлар иқтисодиётимизнинг, айниқса, тадбиркорликнинг ривожланиш миқёсларига ҳам, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка катта аҳамият берилаётган бугунги шароит талабларига ҳам ҳали бери жавоб бера олмаяпти.

Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш — ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг калити ҳисобланади.

Аммо бу биринчи навбатда биз учун ўта долзарб бўлиб турган ишсизлик муаммосини ечиш имконини беради. Агар масалага чуқурроқ ёндошсак, ишсизларнинг кўпчилиги, аксарият ҳолларда, тегишли касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшлар эканлиги маълум бўлади.

Шу муносабат билан сизларнинг эътиборингизни **Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишига** қаратмоқчиман. Хабарингиз бор, кейинги йилларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, таълим бўйича миллий стандартлар ва ўқув дастурларини яратишга, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Шунга қарамасдан, мазкур дастурнинг барча бандлари ҳам тўла бажарилаяпти, деб бўлмайди. 2001 йилда кўпгина вилоятларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топшириш борасида оқсоқлиққа йўл қўйилди.

Бундай объектларни ишга тушириш айниқса Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида қониқарсиз аҳволда. Янги турдаги билим даргоҳларини замонавий ўқув қуроллари ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, янги дарсликлар билан таъминлаш жараёни сусткашлик билан олиб борилмоқда.

Кўпгина ўқитувчиларнинг малакаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди, коллежлар ва лицейлар учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳам талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Ёшларни касбий йўналтиришнинг самарали тизими ҳозиргача шакллантирилмаган. Уларнинг касб танлаш жараёни кўпинча тасодифий тарзда ёки ота-оналарнинг қарашлари ва ўсмирларнинг содда тушунчалари асосида кечмоқда. Аксарият ҳолларда ёшларимиз фақат ҳозирги кунда жозибали бўлиб туюлаётган мутахассисликларга интилмоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бугун ўқув юртларида қайси ихтисосликларга энг юқори танлов бўлаётганига назар ташлаш кифоя. Одатда булар ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, халқаро муносабатлар ва тиббиёт соҳаси вакиллари бўлиб чиқади.

Биз кадрларни мажбурий равишда ишга тақсимлаш тажрибасидан воз кечдик, истак ва қизиқишига қараб касб танлашлари учун ёш мутахассисларнинг ўзларига имкон бердик. Лекин, бу — кадрларни ишга жойлаш жараёнини ўз ҳолига ташлаб қўйиш дегани эмас.

Давлат ўзининг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, ундан юксак даражада самарали фойдаланиш учун, ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун масъул бўлиб қолиши керак.

Бунинг учун Макроиқтисодиёт ва статистика, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ва албатта, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жавоб беради. Айнан мана шу вазирликларга бу масала бўйича тегишли дастур тайёрлаш ва тасдиқлаш учун ҳукуматга киритиш вазифаси юклатилади.

Қадрли дўстлар!

Бугун мен иқтисодиётимизни ислоҳ этиш ва уни янада эркинлаштиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи йўналишлари, бу борадаги муаммолар хусусида тўхталиб ўтдим.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун 2002 йилда ҳам бутун кучғайратимиз ва имкониятларимизни сафарбар қилишимиз лозим.

Чунки уларнинг муваффақиятли ҳал этилиши ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, бу йўлда олға қадам қўйишимизга, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратишимизга имкон беради.

Шунинг учун ҳам ҳар бир киши ўзига топширилган соҳада, бошқарув ва хўжалик юритишнинг ҳар бир тузилмаси, ҳар бир бўғини эса, белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ўзининг ўрнини аниқ ва равшан белгилаб олиши, аниқ дастурга эга бўлиши ва унинг бажарилишини таъминлаши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ишончим комилки, биз сизлар билан бир ёқадан бош чиқариб, олдимизда турган муаммоларнинг ечимини топа оламиз.

2002 йил жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилишда, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш ва обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим босқич бўлиб қолади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2001 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА 2002 ЙИЛДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-betда)

Суғориш сувидан ҳам самарасиз, назоратсизлик билан фойдаланилмоқда. Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Наманган ва бошқа вилоятларда сувдан фойдаланиш коэффициентининг пасайишига йўл қўйилган.

Ичимлик сув, газ ва бошқа энергетика ресурсларидан тежамсиз, назоратсиз ва ноқонуний фойдаланиш бўйича кўплаб фактлар мавжуд. Ичимлик сув сарфини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва уй-жой фондини газ ҳисоблагичлар билан жиҳозлаш бўйича ишлар мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда.

Хусусий секторни ривожлантириш кўламлари бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантиришда, унинг барқарорлиги ва ўсувчанлигини оширишдаги талабларга жавоб бермайди.

Бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар сust олиб борилмоқда. Республиканинг 31 туманида хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмаган.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қоидалари қониқарсиз бажарилмоқда. Айниқса Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топшириш қолоқлиққа йўл қўйилган. Ўқув юртларини замонавий ўқув ва лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш, янги дарсликлар билан таъминлаш жараёни сust бормоқда.

2. Қуйидагилар 2002 йилда саъй-ҳаракатлар ва ресурслар уларнинг ҳал қилиниши учун жалб этиладиган иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштиришнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини жиддий пасайтириш, қаттиқ молия ва кредит сиёсатини ўтказиш;

иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришни янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, курсни бирхиллаштириш йўлини тўлов балансини мустаҳкамлаш, олтин-валюта заҳираларини сақлаш билан узвий алоқада изчил ўтказиш;

муҳим материал ва табиий ресурслар — экин майдонлари, суғориш суви ва ичимлик сув, ёқилғи-энергетика, минерал-хомашё ва бошқа ресурслардан тежамли, самарали, эҳтиётлаб фойдаланишни таъминлаш;

бозор ислоҳотларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодиётнинг хусусий секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг янги тури, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги шакли сифатида фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш;

кадрлар тайёрлаш соҳасини ривожлантириш.

3. Истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш масалаларида йўл қўйилган нуқсонлар, табиий газни бериш зарур даражада ҳисобга олинмаслиги ва республика иқтисодиёти тармоқларида ундан самарали фойдаланиш юзасидан зарур назорат таъминланмаганлиги учун «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг бош директори Н. И. Жулинга, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг ўринбосари — «Бошкоммунгаз» корхонаси директори С. С. Башировга, «Ўздавнефтгазинспекция» бошлиғи Н. С. Рамазоновга ҳайфсан эълон қилинсин.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмаса, улар эгаллаб турган лавозимларидан озод этилиши ва қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси (Тожиев)га, вилоятлар ҳокимларига ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилмаслигининг ҳар бир ҳолатини жойнинг ўзида кўриб чиқиш ва қонунни бузувчиларга нисбатан жавобгарликнинг энг қаттиқ чораларини қўллаш топширилсин.

5. Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан Шофиркон (Раҳмонов), Боғдод (Солижонов), Иштихон (ҳоким вазифасини бажарувчи Мансуров), Беруний (Жуманиёзов) туманлари, Термиз (Чориев), Жиззах (Худоёров), Қўқон (Хўжаев) шаҳарлари, шунингдек Тошкент шаҳар Акмал Икромов (Маҳмудов) тумани ҳокимликларининг қониқарсиз ишлаганлиги қайд этилсин.

Ярим йиллик якунлари бўйича хусусий тадбиркорлик ташаббусини ривожлантиришга кўмаклашиш, хусусий секторни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларнинг ҳисоботи кўриб чиқилиши тўғриси да қаттиқ огоҳлантирилсинлар.

6. Бир ҳафта муддатда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К. Н. Тўлаганов бошчилигида табиий, минерал-хомашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссияси тузилсин, унинг таркибига барча манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар, назорат қилувчи хизматлар ва Прокуратура вакиллари киритилсин.

Комиссия уч ой муддатда ресурсларнинг тегишли турлари бўйича ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқсин, 2010 йилгача бўлган даврда ресурсларни тежаш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда:

ресурсларни тежовчи, айниқса мелиорация ва ирригацияда ресурсларни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, ёқилғининг мукобил турларидан фойдаланиш;

ер, сув, ёқилғи-энергетика ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмни жорий этиш, улардан тежамли, эҳтиётлаб ва самарали фойдаланаётган ходимларни рағбатлантириш, шунингдек сувдан фойдаланиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш;

табиий, минерал-хомашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан хўжасизларча фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар назарда тутилсин.

Кўрсатиб ўтилган масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий базани яратишни назарда тутувчи тегишли қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрлансин ва кўриб чиқиш учун Олий Мажлисга киритилсин.

7. «Ўзбекнефтгаз» компанияси (Саидаҳмедов) «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда 2002 йилда ҳамма жойда газ қувурларининг ажралиш чегараларида газни ҳисобга олишнинг замонавий приборлари ўрнатилишини таъминласин, истеъмолчиларга сотилаётган табиий газ зарур даражада ҳисобга олинишига доир муфассал чора-тадбирлар кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

мамлакатда хусусий секторни ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш бўйича қонунчиликни мустаҳкамлаш;

ушбу соҳада қўшимча ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар, преференциялар яратиш;

хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий секторни ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш;

замонавий технологиялар асосида халқ ҳунармандчилиги ва косибчилик анъаналарини ривожлантириш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кичик ва ўрта бизнес субъектларини, хусусий тадбиркорликни давлат тузилмалари ва назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилиш ишларини кучайтирсин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур чора-тадбирларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларини, фермер хўжаликларининг фаолият кўрсатиш шароитларини муфассал хатловдан ўтказсинлар ҳамда фермерликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш бўйича таклифлар киритсинлар, бунда қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратсинлар:

фермерлар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, туманлар ҳокимликлари, ширкатлар раҳбарлари, турли назорат қилувчи органлар ва тузилмалар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишга йўл қўймаслик;

фермерларга механизациялашган хизматлар кўрсатишда, уларни минерал ўғитлар ва сифатли экиш материаллари билан таъминлашда, кичик технологиялар билан жиҳозлашда ёрдам кўрсатишни кенгайтириш, ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, лизинг шартларида техника сотиш масалаларини ҳал этиш;

шартнома тузишган фермерлар ва ташкилотлар томонидан, энг аввало, етиштирилган маҳсулотларни ўз вақтида сотиш ва улар учун ҳақ тўлаш масалалари бўйича шартномавий мажбуриятларни бажаришда интизом ва жавобгарликни ошириш;

фермерларнинг кредит ресурсларидан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш, Тошкент вилоятининг фермерлар ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар бериш тажрибасини ҳамма жойда оммалаштириш.

Тугатилган қишлоқ хўжалик корхоналари негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари фаолияти 2002 йил 1 декабргача бўлган муддатда муфассал таҳлил қилиб чиқилсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкатларни мақсадга мувофиқ бўлган жойларда фермер хўжаликларига айлантириш бўйича 2003 йил учун таклифлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

хўжалик юритувчи субъект молмулкини гаровга қўйган ҳолда кредитлар бериш, кредит ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ушбу молмулкни кредитор мулкига ўтказиш амалиётини янада кенгроқ жорий этиш;

кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи қаттиқ чора-тадбирларни белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси кредитларнинг ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларини жиноий жавобгарликка бўлган жавобгарликка тортишни амалиётга киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, Жиззах, Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва бошқа вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг эътибори ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштириш ва маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш негизида қўшма корхоналар ташкил этишга доир қабул қилинган дастурларни бажариш юзасидан улар томонидан олиб борилаётган ишларнинг қониқарсизлигига қаратилсин.

. Минтақаларда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ (Азимов) қўшма корхоналарнинг вакиллари иштирокида бир ой муддатда маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш негизида қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари борасидаги ишларнинг аҳволини чуқур ўрганиб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, шунингдек қўшма корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар киритсин.

Маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш негизида ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштириш ва қўшма корхоналар ташкил этиш дастурларини бажаришнинг бориши Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида кўриб чиқилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари иштирокида икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларининг бажарилишини таъминлаш, жалб этилган хорижий молиявий консультантлар билан ишлашни фаоллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

жойларда китоб савдосини ва кутубхоналар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базаси, маърифий-тарғибот ишлари амалга оширилиши аҳволини текширсинлар;

текшириш натижалари бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ҳукуматнинг тегишли қарори лойиҳасини киритсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, оммавий ахборот воситалари аҳолига солиқ солиш турлари ва механизмларини, солиқ тўловчилар маблағларидан ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда фойдаланиш йўналишларини содда қилиб тушунтириб берувчи телекўрсатувлар ва материаллар рукнларини мунтазам равишда ташкил этсинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой муддатда иқтисодиётни ривожлантириш ва таркибий қайта ўзгартириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ундан юқори даражада самарали фойдаланишни, ўқув юртларини тугатаётган ёшларнинг иш билан таъминланишини назарда тутувчи 2010 йилгача бўлган даврда малакали кадрлар тайёрлаш дастурини тайёрласинлар ва тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритсинлар.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури, «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури қоидаларининг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар, Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 25 январдаги 32-сон қарорининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратсинлар.

Кўрсатиб ўтилган дастурлар ва Ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотларининг тегишли раҳбарлари зиммасига юкланс

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ТЕОФРАСТ – ҚАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 372 – 287 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

❒ Ўзингдан ўзинг уял, шунда сени бошқа киши уялтирмайди.

❒ Манманлик, бу — иззат-икромга тубанларча интилиш.

❒ Энг қимматбаҳо йўқотиш, бу — вақт.

❒ Ким совға инъом этишни хоҳламас экан, у одамлар ичида яшаётганлигини унутмоғи лозим.

❒ Ҳар ким ўзини, бунинг учун бирон-бир мукофотга сазовор бўлиш илинжида эмас, балки, ўзи ўзига азиз эканлиги учун, яхши кўради. Агар буни дўстликка татбиқ этмасак, биз ҳеч қачон чинакам дўстни топа олмаймиз; ахир, ҳар ким учун дўст, бу — унинг иккинчи ўзи.

❒ Айтадиларки, шогирдлари уларга нимани васият қилишини ундан сўрадилар. Теофраст жавоб берди: «Кўплаб ҳаётий роҳатларнинг донгги фақат кўриниши бўйича шунақа бўлиб кетганлигини айтишдан сизларга қиладиган ҳеч қандай ўзга васиятим йўқ. Яшай бошлашимиз заҳотиёқ, биз ўла бошлаймиз, шунинг учун ҳам шон-шуҳрат ортидан қувишдан бефойдароқ нарсанинг ўзи йўқ. Эсономон бўлинглар, менинг таълимотимни эса ўз ҳолига қўйинглар, зеро, у катта меҳнат талаб қилади ёки уни шараф билан ҳимоя қилинглар, шунда сизларга буюк шуҳрат келади. Ҳаётда фойдали нарсаларга қараганда, пуч нарсалар кўп. Мен энди сизларга ўзларингни қандай тутишларинг тўғрисида ортиқча маслаҳат беролмайман. Нима қилиш керақлиги ва нимани қилмаслик кераклигини ўзларинг кўринглар». Ва, шундай сўзлар билан, у, айтадиларки, жон берди.

ПИРРОН — ҚАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 365 –275 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

❒ Донолик ва билим инсонларнинг иши эмас, уларни фақат худолардан ахтармоқ лозим.

❒ «Бу ундан ҳеч ҳам ортиқроқ эмас» — Пиррон-нинг фалсафий шиори ва тез-тез ишлатадиган матали.

❒ Ҳар бир сўзнинг муқобили бор.

❒ Кунлардан бир кун Пирронга ғаламис савол бердилар: «Нима, сен ўлмадингми, Пиррон?» Пирронга ўз таълимотига мувофиқ, бундан-да яхшироқ ҳолларда қўллашга муносиб қатъият ила: «Билмайман», — деб жавоб беришдан бошқа чора қолмади.

ХУЙ ШИ – ҚАДИМГИ ХИТОЙЛИК ФАЙЛАСУФ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 350 –260 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

❒ Ҳозиргина чўққига эришган Қуёш энди ботишга томон кетмоқда; ҳозиргина туғилган нарсалар энди ўлмоқдалар.

❒ Қўшилган ҳалқалар ажратилиши мумкин.

❒ Умумий меҳр-муҳаббатни ҳамма нарсаларга ёйиш керак, зеро, осмон ва ер — бир вужуд.

❒ Ин шахри бутун Ёруғ дунёни ўзига сиғдиради.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

ФУТБОЛ

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН МУВАФФАҚИЯТ

Asian Club Championship

Осиё чемпионлари кубоги баҳсларида иштирок этаётган «Насаф» футбол жамоасининг ярим финалга йўлланмани қўлга киритганлиги хусусида аввал ёзганлик. Куни кеча Тошкент аэропортида БААнинг Абу Даби шаҳридан юртимизга қайтиб келган вакилларимиз республика спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан тантана билан кутиб олинди.

— Сўнгги йилларда мамлакат миллий терма жамоаси ва футбол клубларининг халқаро майдонда айтарли қувонарли натижаларни қўлга кирита олмаётганликлари мени ҳам ташвишлантирарди. Шу боис, «Насаф»нинг чорак финалда муваффақият қозониши муҳим аҳамиятга эга эди. Йигитларга юртимизда нафақат Қашқадарё, балки бутун мамлакат ишқибозлари ғалабамизга умид қилаётганликларини қайта-қайта уқтирдик. Улар ҳам ортларида миллионлаб муҳлислар турганликларини ҳис этиб тўп суришди, — **дейди жамоа бош мураббийи Баҳром Ҳакимов.**

(«Насаф» футбол клуби раҳбарлари ҳамда ўйинчилари билан батафсил суҳбатни келгуси сонда ўқийсиз).

■ **Еркебой БОТИРОВ олган суратлар**

ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

Тошкент вилоят муниципал биржаси 2002 йил 22, 28 март кунлари соат 11.00да Афросиёб кўчаси, 2-уйнинг 2-каватида жойлашган «Бизнес марказ»да ўтказиладиган кимошди савдосига таклиф этади.

САВДОГА:

Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан банкрот деб эълон қилинган ва Оҳангарон тумани ДСИ томонидан хатланган «Тоштехчорвасервис» туманлараро махсус хизмат кўрсатиш корхонасига қарашли Тошкент вилоят Оҳангарон туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида жойлашган бино ва мол-мулклар қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 37 млн. сўм.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар ва гаров пуллари юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва савдо бошланишига бир соат қолганда тўхтатилади.

Телефонлар: 56-61-64, 56-30-12.

Тошкент вилоят муниципал биржасида 2002 йил 1 январдан 15 февралгача бўлган даврдаги савдо натижалари: ташкил этилган савдоларда 495 та объект 146331400 сўмга сотилди. Шундан 464 тасини автотранспорт воситаси (104028100 сўм), 31 тасини кўчмас ва турли мулклар (42303300 сўм) ташкил этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. ГЕМАТОЛОГИЯ ТЕРАПЕВТИ БЎЛИМИ:
— бўлим бошлиғи (тиббиёт фанлари доктори ёки тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин;
— катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин.

2. БОЛАЛАР ГЕМАТОЛОГИЯСИ БЎЛИМИ:
— бўлим бошлиғи (тиббиёт фанлари доктори ёки тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин.

3. ГЕМАСТАЗИОЛОГИЯ БЎЛИМИ:
— бўлим бошлиғи (тиббиёт фанлари доктори ёки тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин;
— катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди) — 2 ўрин.

4. ГЕМАТОЛОГИЯ ЖАРРОҲЛИГИ БЎЛИМИ:
— бўлим бошлиғи (тиббиёт фанлари доктори ёки тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин;
— катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин.

5. БИОКИМЁ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ЛАБОРАТОРИЯСИ:
— катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин.

6. ГЕМОСТАЗ ПАТОЛОГИЯСИ ЛАБОРАТОРИЯСИ:
— лаборатория бошлиғи (тиббиёт фанлари доктори ёки тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин.

7. ЭКСТРОКОРПОРАЛ ГЕМОКОРРЕКЦИЯ ЛАБОРАТОРИЯСИ:
— лаборатория бошлиғи (тиббиёт фанлари доктори ёки тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин.

8. КАМҚОНЛИКНИ ЎРГАНИШ ЛАБОРАТОРИЯСИ:
— лаборатория бошлиғи (тиббиёт фанлари доктори ёки тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин.
— катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди) — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кунидан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 42А уй, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти.

«Роҳат» ОАЖ жамоаси жамият бош директори муовини Г.И. Амировга отаси **Ишмурод АМИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 60-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

1 ТУР	7651597.2	6477429.2	63829943.2	3806980.2	9174987.3	3094827.1	5507488.1	8187338.1	13851561.2	3173444.2	5100079.1	6630818.1	8582092.3	13871908.1	2712776.1	3802371.1	5305537.1	6621711.2	7685135.1	9121284.1
2756355.2	7756240.1	6515276.2	6497252.1	4001340.1	9237504.2	3101107.1	5528228.1	8188939.3	13858605.2	3175313.3	5114341.1	6636068.1	8586352.1	13890602.1	2717931.1	3809380.1	5313335.2	6624334.2	7689927.1	9123171.2
4580128.3	8095433.2	6565629.3	6511145.3	4041584.3	9260943.1	3119523.1	5536757.2	8207887.1	13874699.1	3190086.1	5142172.1	6651151.1	8592480.3	13894215.2	2719688.1	3813218.2	5317407.3	6628167.2	7712220.2	9125123.3
5347526.2	8098930.1	6567298.3	6522500.2	4070318.1	9305164.2	3124838.3	5537803.3	8227583.1	13893124.2	3221485.2	5146897.2	6652842.2	8610824.2	13903341.3	2721898.3	3815062.3	5322962.2	6632354.1	7713464.2	9140676.2
7493833.2	8136005.2	6616594.3	6557315.3	4112910.1	9316963.1	3162959.2	5556884.2	8229121.2	13911121.1	3221620.2	5158985.1	6657482.1	8614220.2	13951157.1	2722492.3	3815628.3	5323642.1	6637414.1	7720324.1	9143694.2
7628577.1	8157804.1	7126681.1	6565452.2	4204790.1	9320417.2	3170241.3	5558720.3	8263835.1	13996651.1	3230006.3	5161033.3	6672981.2	8620908.1	14129472.2	2727107.2	3822389.3	5325857.2	6640430.2	7723435.3	9171586.2
7632978.2	8162368.1	7142551.2	6648812.3	4256020.3	9382018.3	3178385.3	5559342.2	8265887.2	14365576.2	3231936.2	5169923.2	6675341.1	8622118.3	14191160.2	2729021.1	3822499.1	5328203.2	6648556.2	7733795.2	9184030.2
8230718.2	8648349.2	7207043.1	6784925.3	4278846.1	9382734.2	3185702.1	5574960.1	8269326.2	14609362.2	3234986.1	5172492.2	6708678.3	8643970.1	14232250.2	2732574.2	4000755.2	5328345.3	6655789.1	7736439.1	9190028.1
8754690.1	8760189.1	7215189.1	7102858.3	4289120.2	9385868.2	3188384.2	5578384.2	8285354.1	14795038.3	3247183.3	5187610.2	6714441.3	8651227.1	14290934.3	2736543.2	4005021.2	5329995.2	6660160.2	7750676.2	9192427.2
9385751.3.2	9032764.3	7223138.3	7103743.2	4313820.2	9385995.8.2	3254594.1	5623131.2	8288077.3	15029699.2	3262547.3	5195801.1	6717952.3	8668710.1	14314413.3	2746281.2	4030803.1	5352593.3	6669242.3	7752649.3	9243467.3
Видеомаг-	9362197.3	7350099.1	7118434.3	4315829.1	9387883.2	3284511.1	5645977.3	8296458.1	15214444.1	3276090.3	5201085.3	6755002.3	8681810.1	14364713.2	2754287.3	4040285.2	5354666.2	6673388.1	7754228.3	9256506.3
нитофон	9395282.2	7385819?.2	7149189.2	4385513.3	9388591?.1	3288040.1	5687467.2	8359894.1	15455099.2	3282582.2	5207482.2	6760597.1	8688163.2	14440889.1	2763592.2	4056308.2	5357039.1	6685266.2	7812284.2	9264622.3
2 ТУР	9465669.1	7386446.2	7189195.1	4386807?.1	9389974?.3	3298873.3	5704845.1	8367893.3	15859123.3	3310499.3	5207855.2	6771621.3	8689100.3	14498622.2	2786391.3	4058490.1	5358717.3	6697940.1	8004697.3	9270987.2
5742832.3	9546470.3	7389998.2	7281033.3	4389424?.1	9394772.2	3326450.2	5738451.1	8374960.2	15862261.3	3319818.2	5210774.2	6777249.2	8689393.2	14663948.1	2792023.3	4069583.3	5378008.3	6685784.2	7817264.1	9279481.2
7443715.3	9591260.1	7478351.1	7319115.2	4390462?.2	9526146.3	3378806.2	5740793.2	8388328?.3	15966361.1	3320989.3	5212569.3	6778051.2	8719883.1	14848032.3	2804721.3	4082180.3	5382929.2	6697940.1	8004697.3	9279661.1
Сумма	9709993.1	7539316.1	7335922.2	4393448.1	9596941.2	3381688.2	5743357.3	8403026.1	15868012.2	3321096.3	5213152.1	6785995.1	8726886.2	15066662.2	2810962.1	4098679.3	5382967?.3	6699514.1	8037090.1	9281763.2
4500000	9763833.1	7546087.1	7347497.2	4395847.2	9628661.3	3385422?.3	5749075.3	8449793.2	16007381.1	3324157.3	5214974.1	6808267.2	8729738.2	15097282.2	2815071.1	4099622.3	5383549.2	6702644.2	8039942.2	9317135.2
сўм	Сумма	7567929.2	7369036.3	4397892.1	9629039.1	3389174?.1	5754963.3	8487233.1	16351492.2	3326379.1	5221649.1	7011777.2	8771720.3	15102382.1	2819717.2	4105268.3	5383595.1	6703321.2	8058574.2	9338613.3
3 ТУР	1700 сўм	7667527.1	7387087?.2	4444286.2	9647810.2	3399581.2	5759842.3	8495431.2	16513398.3	3330531.2	5245578.2	7044794.1	8773423.1	15163391.2	3005988.3	4118225.2	5383888.1	6709505.1	8063099.1	9344327.2
43825101.3	13 ТУР	7766543.3	7390181?.2	4516342.1	9685617.2	3424619.2	5778363.1	8500899.2	16669934.2	3333005.2	5248659.1	7053728.1	8776798.3	15171191.2	3014652.2	4138740.1	5385027.3	6722166.3	8074427.1	9353395.2
6044208.1	1118825.1	7771528.2	7478168.1	4546569.2	9726033.3	3425779.2	5789970.2	8520335.3	16826272.2	3346026.3	5269298.2	7058969.2	8798193.2	15241221.1	3015466.2	4139933.3	5386258.1	6723154.1	8075924.3	9359407.2
6801649.3	1174230.3	8103549.2	7494177.3	4548570.1	9734541.1	3444239.3	5798807.1	8534638.3	16925277.1	3379001.1	5275007.1	7064199.2	8816115.2	15259031.1	3023310.3	4146491.1	5386288.2	6726584.2	8077723.1	9374014.1
Сумма	1329572.1	8123301.2	7499765.1	4582034.1	Сумма	3498756.1	5800627.3	8547816.2	16988606.3	3383007?.1	5280196.1	7065068.1	8818576.3	15279513.3	3023886.1	4151636.3	5387123?.2	6728594.2	8080666.3	9376895.1
3000000	1483062.1	8271452.2	7515579.2	4682397.1	1200 сўм	3501075.2	5809108.1	8562938.3	17008102.2	3383179?.2	5291775.2	7068525.3	9021412.1	15345921.1	3025051.2	4153999.3	5388797?.3	6731812.2	8086476.3	9380508.3
сўм	1488513.2	8315733.2	7579201.2	4739508.2	17 ТУР	3530562.1	5821556.1	8563533.3	17033557.3	3385387?.3	5304088.1	7081976.3	9091200.3	15478991.1	3031714.1	4156775.1	5389311.3	6744498.2	8090859.1	9382632.2
4 ТУР	1533835.3	8415626.1	7658888.1	4741935.3	1013824.2	3540950.1	6010095.1	8569833.1	17050833.1	3385440.3	5307312.3	7094529.2	9101463.3	15533633.2	3039498.3	4163082.2	5389736.1	6750396.2	8092083.1	9385498.1
2015947.3	2260423.3	8540133.2	7715378.3	4744048.2	1018115.3	3573633.1	6015619.1	8571761.3	17110596.2	3386219?.3	5307880.3	7097514.2	9110911.2	15545433.3	3053037.3	4166038.3	5389850?.2	6774842.2	8096096.1	9385816?.3
«NEXIA»	2276590.3	8606399.1	7808229.3	4759110.2	1030715.2	3581973.1	6029924.1	8577414.2	17132776.3	3386834?.2	5311764.3	7109933.2	9145908.2	15577083.3	3055944.1	4166759.2	5440554.1	6777908.3	8098965.1	9388835.3
автомо-	2806682.3	8611581.1	7818849.3	4778907.3	1054616.3	3611004.2	6045313.2	8586340.2	17288880.1	3388287?.1	5315379.3	7129789.2	9151376.1	15642171.1	3057296.1	4180220.3	5448614.1	6784899.1	8105010.3	9389000.1
биль	3441047.2	8644808.2	8138974.2	4787255.2	1057322.2	3616556.3	6053713.2	8595699.1	17327461.1	3388422?.2	5327514.1	7143809.3	9154542.2	15715233.1	3058824.3	4184356.2	5454257.1	6801458.1	8110530.3	9390166.1
5 ТУР	3599000.3	8683957.2	8260451.3	4818287.3	1059652.1	3627598.2	6058593.3	8601342.3	17344552.3	3388803?.2	5328970.3	7148473.3	9155241.2	15754731.3	3059233.2	4186485.1	5462528.1	6801939.2	8116004.1	9405251.1
1584396.2	3668302.1	8688673.2	8305911.1	5105266.3	1081902.1	3682950.2	6062695.1	8620571.3	17387142.2	3388866?.2	5342395.1	7155137.3	9172431.2	15779051.1	3067198.2	4187703.2	5470376.3	6803111.3	8117916.3	9412657.2
7381672.1	3762047.3	8710699.1	8308912.3	5129186.1	1088748.1	3702830.2	6098871.3	8636073.1	17650242.2	3389110?.2	5348785.2	7156835.2	9177807.3	15947293.3	3072334.2	4207444.3	5475847.3	6744498.2	8123489.2	9413694.2
Сумма	3813567.3	8715690.3	8311666.1	5194645.3	1141359.1	3709557.3	6100144.3	8643323.2	17714593.3	3413935.3	5352038.1	7179394.2	9187831.1	16038992.3	3083877.1	4231416.1	5486817.1	6803771.1	8123970.2	9425748.3
4500000	4060240.3	8752013.2	8441774.3	5202910.2	1148632.1	3722080.2	6100872.3	8680669.1	17722205.1	3421515.3	5352865.3	7190289.1	9199811.2	16265201.1	3083902.2	4235469.3	5493389.1	6814538.2	8129311.3	9431207.2
сўм	4386108.2	8755325.2	8458284.2	5211905.1	1155019.3	3729584.2	6121720.3	8682893.1	17738880.3	3454360.3	5370552.1	7192221.1	9201091.3	16381211.1	3084850.2	4237244.1	5502598.2	6823949.2	8132970.2	9431245.1
6 ТУР	4526697.2	8792668.1	8508121.1	5224364.1	1157086.3	3742675.3	6151336.1	8700063.3	17755229.2	3483365.1	5382781A3	7230204.2	9228930.2	16517143.3	3090399.1	4238684.3	5511594.2	6824284.3	8139231.3	9431207.2
4018149.2	4600983.1	9043261.1	8545492.2	5231399.3	1159020.1	3743544.3	6157071.1	8751546.2	17775776.3	3506254.2	5384521.8	7247439.1	9315683.2	16581461.1	3091029.1	4242984.2	5517105.1	7000591.2	8141725.1	9431245.1
5466395.1	4818975.3	9186136.1	8568127.2	5244596.2	1200474.2	3768291.2	6158755.1	8757357.2	17802803.3	3512080.3	5385059?.2	7254556.2	9336746.1	16666470.3	3096928.1	4245423.3	5529893.2	7003749.2	8153148.3	9434042.3
8157364.3	5404862.2	9187367.3	8637435.1	5259546.1	1205861.3	3777934.2	6163121.2	8767203.1	17846412.2	3514174.2	5386225?.2	7266721.3	9341868.1	16711100.1	3106277.1	4255792.2	5534585.3	7017805.2	8155743.2	9465937.2
Сумма	5544365.3	9307672.2	8662052.2	5342627.1	1217212.1	3798428.1	6173430.1	8778379.1	17866517.3	3532271.2	5386605.1	7279612.3	9351131.1	16748338.2	3132964.1	4262579.1	5535149.2	7018078.2	8176346.3	9470368.2
3000000	5660138.1	9363900.3	8692524.1	5382844.2	1232146.2	3802097.3	6180525.1	8785422.2	17917783.3	3536899.2	5387209?.2	7287365.1	9371213.1	16811022.3	3134244.3	4264900.1	5541231.2	7020243.3	8185670.3	9478215.2
сўм	5671817.2	9385037.3	8741744.2	5389055.3	1243908.1	3803116.2	6184601.1	8794663.2	17934961.1	3537865.1	5399188.1	7306092.1	9373529.2	16840451.1	3140006.2	4268930.1	5551624.2	7031528.3	8185670.3	9480424.3
7 ТУР	5774481.1	9387705.1	9093667.3	5389287.1	1288931.3	3814931.3	6193586.1	8801467.1	20055548.2	3538118.1	5413484.3	7308759.1	9374815.2	16854988.2	3142614.2	4274100.1	5556254.2	7063510.1	8192253.2	9487603.1
1292298.2	6562930.1	9402768.1	9129312.2	5389894?.2	1303555.3	3815617.2	6197252.2	8803792.1	20366673.3	3549765.1	5421742.2	7312579.1	9384867?.2	16957338.1	3155566.3	4286954.3	5568442.2	7088270.1	8199631.2	9495672.2
2123474.1	6738319.3	9527516.2	9175665.3	5417533.3	1314018.3	3818391.3	6200060.1	9012670.3	20406193.3	3554751.2	5427945.2	7314244.2	9385627?.3	16963553.3	3163962.2	4292623.2	5569913.1	7088271.0	8208188.2	9499557.1
3462714.3	6786559.1	9564014.1	9221190.3	5445186.1	1341158.1	3820631.2	6205500.2	9019342.1	20633793.3	3561294.3	5436197.2	7314973.3	9389532.1	17241061.1	3175273.2	4312023.1	5572404.2	7089513.2	8213781.2	9500124.2
5002761.2	7048360.1	9604509.1	9246042.2	5447187.1	1370531.3	3820767.2	6234266.1	9025483.3	20807661.1	3576946.1	5453974.2	7341097.1	9387146?.2	17268783.3	3182272.3	4318868.2	5578752.1	7091545.3	8224926.1	9500872.1
5164223.2	7197756.3	9610540.1	9261572.2	5465378.2	1372587.2	4004095.3	6245624.2	9035112.2	20942952.2	3578723.3	5454401.3	7342689.3	9388123.1	17284933.2	3186368.3	4328943.2	5584557.3	7094120.2	8228300.1	9519104.2
8766772.2	7287729.2	9627136.3	9294607.2	5468417.2	1382817A.1	4020484.1	6263407.2	9041558.1	20970321.1	3585393.1	5456077.3	7345198.1	9389288?.3	17508922.2	3196882.1	4336727.2	5591649.2	7110272.1	8235517.1	9520015.1
8769660.2	7438064.1	9725693.2	9324529.2	5477823.2	1383291?.2	4049836.3	6270346.1	9045455.2	21127823.3	3645336.3	5460419.2	7357712.2	9396725.1	17594913.3	3202067.3	4345733.3	5599936.2	7110538.2	8235580.1	9520966.1
Сумма	7542864.2	9784366.1	9364058.2	5538579.2	1383495S.3	4071620.3	6279456.2	9046312.1	21144133.3	3661154.1	5469376.2	7361781.3	9401841.3	17603041.1	3210400.3	4352161.2	5603639.2	7117133.2	8236600.2	9526131.2
1285714	7663798.1	9813562.2	9371273.3	5543847.2	1387027S.2	4076530.2	6293678.2	9054818.1	21150243.3	3670493.3	5471816.3	7378337.1	9402002.2	17670162.2	3216495.2	4361537.3	5605887.2	7126859.3	8246180.3	9530377.3
сўм	7707436.2	Сумма	93892409.2	5616259.2	1387342A.1	4077983.2	6296718.1	9062312.3	21315222.3	3690880.3	5476435.2	7380588.3	9402809.2	17688222.3	3226803.3	4368355.1	5608461.3	7129746.2	8256223.2	9533081.3
8 ТУР	7707582.3	1400 сўм	9473248.1	5617174.1	1445264.1	4101519.1	6300621.2	9085516.3	21412725.2	3706523.1	5481894.2	7381635.3	9407039.2	17694928.2	3227724.1	4376008.2	5615955.1	7139330.2	8266529.2	9533771.3
2162152.1	7708044.1	15 ТУР	9502795.2	5622360.2	1446458.3	4105037.1	6309517.1	9096883.1	21546609.2	3709026.2	5491654.1	7382834.2	9414966.1	17757724.2	3232034.2	4383887?.3	5635224.2	7143248.1	8285832.3	9534711.3
2321306.3	8075807.1	1034894.2	9512826.3	5642211.1	1452186.2	4105506.3	6317714.1	9099925.1	21567361.1	3712339.2	5492033.3	7382906.1	9416794.2	17760869.3	3263945.3	4385640.1	5636665.1	7159427.3	8288203.2	9556973.2
6025913.1	8097608.3	1062955.3	9613707.2	5647451.2	1467567.1	4119102.1	6355506.3	9108954.1	21649051.1	3734168.2	5495564.1	7382906.2	9421524.1	17983353.2	3264497.2	4386252.8	5641103.3	7162472.3	8288203.2	9556973.2
7193861.2	8111137.2	1104644.2	9662137.2	5694383.2	1475911.1	4123806.1	6363736.1	9122023.3	21726491.1	3739583.1	5508117.1	7383212.2	9445472.3	18009872.2	3273049.2	4386753.3	5650881.2	7164078.2	8289999.1	9557548.2
7513894.2	8379357.2	1276653.3	9704903.3	5703780.3	1479571.3	4135637.3	6377362.1	9123821.2	21770110.1	3755743.1	5508201.3	7383938.2	9452227.2	18210563.2	3295179.2	4388239.3	5664594.2	7178996.3	8294040.1	9565380.3
8386016.2	8384781.2	1283029.1	Сумма	5712742.3	1490662.3	4154941.3	6386424.1	9127886.3	21791194.3	3778669.1	5508542.2	7385453.2	9452905.3	2005313.3	3295504.2	4389421.2	5685110.3	7182847.2	8300750.1	9574856.2
9236257.3	8386181.0	1322487.2	1300 сўм	5727058.3	1507430.1	4171112.1	6388053.2	9163154.3	21919172.2	3782301.1	5526778.3	7386743A.1	9458103.1	2006550.1	3295974.1	4388935.3	5698553.3	7187213.2	8309101.1	9630882.1
Сумма	8799073.1	1334928.2	18 ТУР	5729198.3	1519232.2	4193797.3	6388815.3	9181059.3	2205498.3	3788518.1	5532751.2	7388017?.3	9466346.1	2032278.1	3297055.1	4393923.1	5698724.1	7187875.3	8325451.1	9633616.2
1285714	8801521.2	1377106.1	1101232.1	5738749.1	1521333.2	4208699.1	6392716.3	9245004.2	2211276.2	3802259.1	5532847.2	7388126A.1	9471560.1	2058169.2	3300130.3	4397467.2	5698737.2	7194157.3	8335898.1	9634470.3
сўм	9091879.3	13840057.1	1158883.1	5746601.1	1537143.1	4209524.2	6401858.1	9267840.1	2243782.1	3804133.2	5547828.2	7390139.1	9483026.2	2068185.3	3305917.1	4403404.2	5721706.1	7199088.2	8346374.1	9652360.2
9 ТУР	9190990.3	13901845.3	1207916.2	5782585.2	1545440.1	4235330.2	6406727.2	9304774.1	2260536.2	3804400.1	5557036.2	7395051.1	9485021.2	2070344.1	3318036.1	4418738.2	5728004.3	7205581.2	8350336.1	9663635.3
1037931.1	9257206.2	1469505.1	1230567.2	6021037.2	1574066.1	4283618.1	6407459.1	9332937.3	2268947.2	3812481.1	5567827.3	7404811.1	9487158.1	2081459.1	3320541.1	4419818.2	5728885.1	7209260.2	8370251.2	9673796.1
2030076.1	9367096.2	1483077.2	1244779.1	6094410.2	1586368.2	4313987.1	6408192.2